

**“Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича 2021 йилнинг январь-июнь
ойларида ўзлаштирилган инвестициялар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ–4937 сон қарори билан тасдиқланган Давлат инвестиция дастурига асосан, жорий йилнинг январь-июнь ойларида “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича **11** та инвестиция лойиҳаси доирасида **450,6 млн. доллар** инвестициялар ўзлаштирилди (прогнозга нисбатан **147,6%**), жумладан:

- тўғридан - тўғри чет эл инвестициялари – 49,0 млн. доллар (102,6%);
- кафолатланмаган чет эл кредитлари – 268,0 млн. доллар (167,5%);
- ўз маблағлари – 133,6 млн. доллар (136,9%).

2021 йилнинг март ойи якуни билан “2017-2021 йилларда углеводород хом ашёси қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш бўйича Дастур”ни амалга ошириш доирасида “Алан” ва “Зеварди” конида сиқув компрессор станцияларини қуриш ишлари якунланиб, объектлар ишга туширилди.

Объектларни фойдаланишга топшириш натижасида кунига қўшимча 2,5 млн. куб. м. газ қазиб чиқаришни таъминлаш имкони яратилди.

Жорий йил Давлат инвестиция дастури доирасида, “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича умумий қиймати **29,65 млн. доллар бўлган 3 та ишлаб чиқариш объектини** ишга тушириш кўзда тутилган, жумладан:

- Шўртан бош иншоатларида газни цеолит билан тозалаш қурилмасини модернизация қилиш;

- Шўртан бош иншоатларида газни амин кислотаси билан тозалаш қурилмасини модернизация қилиш;

- Муборак ГҚИЗнинг 2-сонли қозонхонасида қуввати 6,3 МВт. соатга тенг бўлган буғ турбинасини ўрнатиш орқали, ортиқча буғ энергиясидан электр энергия ишлаб чиқариш.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида асбоб ускуналарни алмаштириш ва модернизация қилиш орқали йилига **23** млрд куб м газни сифатли тозалаш, Муборак ГҚИЗнинг ўз эҳтиёжлари учун **54 180** МВт.соат электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда **30** кишини иш билан таъминлаш имконияти яратилади.